

**КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ  
ТУЗИШНИНГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ**

*Хожиева Г.Ҳ.*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси ўқитувчиси  
e-mail:Step\_up8888@mail.ru*

**Аннотация.** Ушбу тезисда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишнинг бугунги кундаги аҳамияти, вазифалари, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва ҳисобот шакллари ҳақидаги фикрлар ёритилган.

**Калит сўзлар.** Консолидациялашган молиявий ҳисобот, инвесторлар, бош жамият, шўба хўжалик жамиятлари, гуруҳ, алоҳида молиявий ҳисоботлар.

Бугунги кунда ҳар бир соҳадаги интеграция ва глобаллашув жараёнининг тобора жадаллашиб бораётганлиги ва бу турли соҳаларнинг такомиллашиши ҳамда ривожланишига катта ҳисса қўшаётганлиги барчага маълум. Кўплаб соҳалар сингари бухгалтерия ҳисоби ва аудитда ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга ошмоқда.

Шундай шароитда дунё бўйлаб, хусусан, Ўзбекистонда ҳам йирик компаниялар ва уларнинг таркибига кирувчи шўба корхоналар сони йилдан-йилга ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай вазиятда бош компания ва унинг таркибий қисми ҳисобланувчи шўба компаниялар ҳисоботларини тўғри тузиш, тартибга солиш ҳамда консолидациялашнинг тўғри амалга оширилишини таъминлаш бугунги кун бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг асосий масалаларидан биридир.


Маълумки, молиявий ҳисоботлар тузилишининг асосий сабабларидан бири инвесторлар, йирик кредиторлар ва бошқа молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг қизиқишларини ортишига замин яратишдир.

Бу бўйича Президентимизнинг 2020 йил 14 февралдаги 4611-сонли қарорига асосан молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш лозимлиги белгиланган.

Йирик солиқ тўловчи компаниялар молиявий ҳисоботларини тузишларида, шўба корхоналар ҳар йили молиявий ҳисобот шакллари тузиш мақсадида бош корхонага маълумотларни йиғма шаклда тузишни белгилаб беради. Бунинг натижасида бош корхона шўба корхоналар молиявий ҳисоботларини йиғиб, ҳар чорак ва йиллик ҳисоботларни йиғиб, консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузади.

Шу ўринда консолидациялашган молиявий ҳисобот ҳақида сўз борганда энг кўп учрайдиган тушунчаларни эслаб ўтамиз.

# BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI



## 1-расм. Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 8-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида куйидаги асосий тушунчалар келтирилган:

- Бош жамият - ўз таркибида бир ёки бир неча кичик жамиятларга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектдир.

- Гуруҳ - бош жамият ва унга қарашли барча шўъба жамиятлардир.

- Шўъба хўжалик жамияти - бош жамият назорат қилувчи хўжалик юритувчи субъект.

- Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар - маълум ҳисобот санасидаги молиявий ҳолатни ва хўжалик юритувчи жамиятлар гуруҳининг ҳисобот даври учун молиявий натижаларни акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимидир.


- Алоҳида молиявий ҳисоботлар-гуруҳ ҳар бир аъзосининг консолидациялаш лозим бўлган ҳисоботидир.

Турли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг кўп қирралилиги ҳисобга олганда, молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларни иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган барча ахборот билан таъминлай олмайди. Шунинг учун йиллик молиявий ҳисоботларга қўшимча равишда маъмурият томонидан тузиладиган молиявий шарҳ киритилиб, унда хўжалик юритувчи субъект молиявий фаолияти ва молиявий ҳолатининг асосий белгилари тушунтириб берилади ва улар дуч келаётган асосий ноаниқликлар баён қилинади.

Агар бош жамият таркибига кирувчи шўъба корxonанинг ҳисоб объектлари ёки хўжалик жараёнларига нисбатан ҳисоб сиёсати бош жамият ҳисоб сиёсатига тўғри келмаса, консолидациялашган ҳисобот тузиш учун коррективкаларни киритиш, яъни, мослаштириш амалга оширилади.

Ўзбекистонда консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг куйидаги шакллари мавжуд. (2-расм):

## КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИ



### 2-расм. Консолидациялашган молиявий ҳисобот шакллари

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишда БҲМСлардан фойдаланиш бир қанча нуқсонларни келтириб чиқармоқда. Масалан, инвесторлар учун энг муҳим жиҳат саналган ахборотларнинг шаффофлиги ва очиқлиги борасида камчиликлар кузатилмоқда. Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишда чет эл тажрибалари асосида халқаро стандартларнинг қўлланиши ушбу соҳа ривожини таъминлаган бўларди.

#### Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти” номли 8-сонли БҲМС -Т.: 1998 йил 14-октябр, 50-сон
3. Ташназаров С.Н. “Молиявий ҳисоботнинг МҲХС бўйича трансформацияси зарурати, моҳияти ва босқичлари”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил
4. Қўзиев И., Авазов И. “Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий асослари”, “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил
5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)-O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QONUNCHILIK MA’LUMOTLARI MILLIY BAZASI
6. Mamatqulov A.X. (2022). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish faoliyati bo‘yicha xom ashyo va materiallar hisobini takomillashtirish. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 6, December 2022
7. Рахимов, М. Ю., & Рузмаматов, А. К. (2024). Янги лойиҳалар бошқарувидаги иқтисодий дастакларни такомиллаштириш. *World scientific research journal*, 23(2), 362-375.
8. Raximov, M. Y. (2015). Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O‘quv qo‘llanma. T.: “Iqtisod-moliya.

## BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

9. Klichev, B. (2024, fevral 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. IIm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
10. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting, Issue 1, February 2023.*
11. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
12. Сагдиллаева, З. А., & Файзиёв, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 201-207).
13. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилин ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
14. Рахимов, М. Ю., Мавланов, Н. Н., & Каландарова, Н. Н. (2022). Экономический анализ. Учебник. Т.:«Экономика-Финансы».
15. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. *Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari.* <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
16. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting, Issue 2, April 2023.*
17. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>
18. Mamatqulov A.X. (2024). Qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish hisobi va tahlilini takomillashtirish. *Jahon ilmiy tadqiqot jurnali*, 26(3), 132–140. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3256>
19. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максмудов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.
20. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар қўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
21. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79
22. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida xarajatlarini boshqarish va hisobga olish usullari. *Moliya ilmiy jurnali*, 3-son.
23. Mamatqulov A.X.(2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari bo'yicha tannarxni hisoblash usullarini takomillashtirish [https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue\\_view\\_32articleview1910](https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue_view_32articleview1910)